
Свердловск вилояти губернаторининг ўринбосари Дмитрий Ионин бошчилигидаги делегация вакиллари Марғилон шаҳрида бўлди

Свердловск вилояти губернаторининг ўринбосари Дмитрий Ионин бошчилигидаги делегация вакиллари Марғилон шаҳрида жойлашган "Ёдгорлик" корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишиди.

Меҳмонни шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов бошчилигидаги ҳунармандлар ва масъул раҳбарлар қарши олди.

Дмитрий Ионин ташриф давомида корхонада классик ва замонавий йўналишларда ташкил этилган иш жараёнларини кўздан кечирди. Корхонада ип ва жундан тайёрланган шолчалар, табиий бўёқлар ишлатилган матолар, улардан тикилган либосларга хорижда ҳам қизиқувчилар кўп.

Бу ерда хатто ипак қолдиқларидан ҳам самарали фойдаланиб, улардан гиламлар тайёрланаётганлиги элчининг эътиборини ўзига тортди.

Ташриф давомида Дмитрий Ионин Фарғона вилояти, жумладан Марғилон шаҳри ва ўртасида ҳудудлараро саноат, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш бўйича ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини билдириди.

2024-04-26 18:09:43